

# ШАРТНОМА № 1

Андижон шаҳри

«21» 08 2022 йил

Бизларким куйида имзо чекиб узаро шартнома тузувчилар бир томондан **Барака таъминот харид МЧЖ** номидан рахбари Атамирзаева Х. келгусида «Сотувчи» деб номланади ва иккинчи томондан Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси номидан бош шифокор Б.Ж.Рахманов келгусида «Харидор» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги озик-овкат махсулотларини етказиб беради, «Харидор» эса ушбу озик-овкат махсулотларини қабул қилиб олиб ҳисоб китоб қилади.

№	Махсулотлар номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Киймати
1	Нохот ёрмаси	кг	80	6500	520000
2	Перловка	кг	100	4500	450000
3	Мол гушти	Кг	200	65000	13000000
4	Манная крупа	Кг	150	6000	900000
5	Чой кора	Кг	10	23000	230000
	<b>Жами:</b>				<b>15 100 000</b>

(Сумма суз билан ёзилади) Ун беш миллион бир юз минг сум 00 т.

## 2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий кийматликлар учун белгиланган Давлат меъёрлари ва бошқа меъёрларга мувофиқ булиши ҳамда сифат сертификатидан утказилган булиши лозим.

2.2. Бюджет ташкилотига Товар махсулот билан бирга мувофиқ сертификати нусхаси тақдим этилади.

## 3. ШАРТНОМА КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Ҳисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % изини олдиндан аванс тариқасида «Сотувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Қолган охириги 70 % изини «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

3.4. «Харидор» томонидан 30 % и олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати «Сотувчи» ҳисобидан қопланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Сотувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган товар махсулот олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Сотувчи» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофик ёки бюджет ташкilotи томонидан мазкур шартноманинг 5.3-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва микдорида етказиб бериш;

- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул куйилган булса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул тузатиб бериш;

#### 4.3. «Харидор»нинг хукуклари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб берилишини талаб килиш;

- Бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган копланишини етказиб берувчидан талаб килиш;

#### 4.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- уз буюртманомаси буйича етказиб берилган товар махсулотни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

4.5. Шартномада курсатилган нархлар бозорда нарх наво узгариши хисобига узгартирилади.

### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди. Конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

5.3. «Харидор» «Буюртмачи»га 5 кун олдин олинадиган махсулотлар учун буюртманома беради.

5.4. «Харидор»нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.5. «Харидор» муддатлари бузилган холда етказиб берилган товар махсулотни кабул килишни рад этишга хакли.

5.6. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Харидор»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Харидор»нинг буюртманомасида курсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.8. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга хаклидир, бу хакда «Сотувчи»нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор килади.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Товар махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот кийматининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.2. Етказиб берилган товар махсулот учун уз вақтида хак туланмаганда «Харидор»«Сотувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

### 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, коидага кура, мустакил равишда улар судгача хал этиш чорларини курадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

7.3. Шартнома бузилиб узаро келишилмаган тақдирда Узбекистон Республикаси конунлар асосида (ёки арбитраж) оркали хал килинади.

## 8. КУШИМЧА ШАРТЛАР

- 8.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тугрисидаги узгариш булса, олдиндан узаро келишувга асосан узгартириш киритилади.
- 8.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, узаро келишиб олинади.
- 8.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жихатидан тенг кучли ҳисобланади.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

- 9.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.
- 9.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## 10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

«Сотувчи»

«Барака таъминот харид» МЧЖ

Андижон шаҳар Мустақиллик МФЙ.  
Пушкин кучаси 53-уй  
«Савдогар банки» Андижон филиали.  
х/р: 2020 8000 9053 5821 5001  
МФӨ:00081 ИНН: 308 283 229

Рахбари:  Х.Атамирзаева.


  
Юрист хулосаси: Шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисоблайман.

«Харидор»

АДТИ Клиникаси

Андижон шаҳар Бобуршоҳ кучаси 8-уй  
Телефон: 237-10-35  
Газна х/в 401310860034017073101054002  
СТИР: 200236942 ХХТУТ: 91511  
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги  
Ғазначилиги  
МБ ББ ХККМ, Тошкент ш.  
Х/р: 23402000300100001010  
СТИР: 201122919 МФӨ: 00014

Б.Ж.Рахмонов 

  
Юрист хулосаси: Шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисоблайман.  
АДТИ клиника ҳуқуқшуноси:  А.Мамасалиев